

**Муаллим —
миллатнинг юзи,
Ватан
истиқболининг
асл бунёдкоридир.**

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 26-sentabr, chorshanba № 77 (8518)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикаимизда кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашини олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Спорт курашлари бўйича

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоровий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган ўз интернатига эга бўлган спорт-соғломлаштириш

муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар турар жой, тўрт маҳал овқат, спорт экипировкаси ҳамда махсус қийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадилар.

3. Қуйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш

бўйича ўқув-машқ жараёни юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш; ўқувчи-курашчилар ва

тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари; хомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

(Давоми 2-бетда.)

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

МАКТАБ ЯРАТГАН МУАЛЛИМ



2-бетга қаранг.

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ

изланишлардан
— ижтироларга

Илмий-тадқиқот лабораториясида қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизда денгиз тўлқинлари асосида электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти йўқ. Қайта тикланувчи манба эса фақат қуёш ва шамол бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг истиқболли лойиҳалари устида тадқиқот ишлари олиб борилаяпти ва амалда қўлланилмоқда.

3-бет >

100 Ёшли МУРАББИЙ



у бoshчилигидаги
педагоглар
сулоласининг 40
дан ортиқ вакили
ёшларга таълим-
тарбия бермоқда

5-бет >

СПОРТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Тошкентда Осиё гимнастика
иттифоқининг Бош ассамблеяси бўлиб ўтди*

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар бутун дунёда эътироф этилмоқда. Барча жабҳалар, шу жумладан, спортни ривожлантириш соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугун Ўзбекистон ҳақли равишда йирик спорт мамлакати, деб аталмоқда. Мамлакатимизда йирик халқаро мусобақаларда улкан ғалабаларни қўлга киритаётган буюк спортчиларни тарбиялаш билан бирга оммавий спортни ривожлантириш учун ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунинг самарасида бугун спорт халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Булларнинг барчаси халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Шу боис Осиё гимнастика иттифоқининг икки йилда бир марта ўтказиладиган Бош ассамблеясининг айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтганида ҳам катта маъно бор.

(Давоми 7-бетда.)

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ



уни санъат даражасига
олиб чиқиш мураббий
маҳоратига боғлиқ

Ўқувчиларнинг танафусда,
дарслар тугатгандан кейин
бўш вақтини мазмунли
ўтказиш учун ҳам шу каби
ўйинларни завоқ билан
ўйнаётганига гувоҳ
бўламиз.

15-бет >

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, "Динамо" стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансида белгиланган тартибда бепул ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-ов-

қат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот, спорт ва хўжалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машғулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низомни тасдиқлашини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминлашини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлашини;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнорум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқлашини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустақамлашга кўмаклашиш; икки ой муддатда Спорт

курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳомийлар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби-

нинг ўқув-машғулот жараёнига Федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустақамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгиласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 сентябрь

МАКТАБ ЯРАТГАН МУАЛЛИМ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, дунё иморатлари ичидан энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичидан энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Қалби эзгулик ва меҳрга лиммо-лим муаллимларнинг масъулиятли меҳнати тудайли ёш авлод илм-маърифатга ошно бўлиб улғаяди, келажакнинг ишончли ворисларига айланади.

Ярим асрлик педагогик фаолияти давомида юзлаб иқтидорли ёшларни тарбиялаб, мамлакатимиз илм-фани довруғини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшиб келатган фидойи инсон, Қорақўл туманидаги 3-академик лицей директори Тўхтамурод Жумаев ана шундай муаллимлардандир.

— Университетнинг сиртки бўлимига ўқишга кириб, мактабда дарс бера бошлаган йилларим ўқувчилар орасида математика фанига қизиқувчилар кўплигини сезган эдим, — дейди Т.Жумаев. — Аммо у пайтларда иқтидорли болаларнинг юксак салоҳиятини юзга чиқариш учун шарт-шароит етарли эмасди. Таълим сифати пастлиги боис ўқувчиларни мактабда берилаётган билимлар қониқтирмаётгани биланиб турарди.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг самарасида Т.Жумаевнинг кўп йиллик орузси рўёбга чиқди. 1990 йил 1 сентябрда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати очилди. Шу йили билим масканининг саккизинчи, тўққизинчи синфларига танлов асосида ўқувчилар қабул қилинди. 1993 йилда мактабнинг биринчи қалдирғочлари олий ўқув юр்தларининг талабаси бўлди.

2009 йилда Қорақўл туманида Бухоро давлат университетига қарашли 3-академик лицей қуриб фойдаланишга топши-

рилди. Лицейга директор этиб тайинланган Т.Жумаев бу ерда ҳам мактаб-интернатдаги таълим жараёнини йўлга қўйди.

Бугунги кунда мазкур таълим даргоҳида 450 ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга элик нафар малакали ўқитувчи ва мураббий таълим-тарбия бермоқда. Академик лицейда ёшларга юксак технологиялар асосида билим бериш, илм-фан сирларини чуқур ўргатиш учун барча шароит яратилган. Дарслар аниқ режа, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий услублар, илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилади.

Тўхтамурод ака ўзини бахтиёр инсон, деб билади. Чунки унинг бир минг уч юзга яқин шогирди бутун эл-юртимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 нафардан зиёди халқаро ва мамлакат фан олимпиадалари ғолиби бўлган. Илк сабоқларини шу мактаб ва лицейда олган яна ўнлаб ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Мирзо Улуғбек номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлган, фан номзоди ва доктори илмий даражасига эришган.

Таълим масканининг бундай юксак ютуқлари ёшларнинг бу ерга интилишини кучайтирмоқда. Қорақўл академик лицейига қабул тест синовлари асосида ўтади. Бир ўринга ўртача 25 нафарга яқин давтоғар тўри келади. Уларни саралаш жараёни очик-ошкора, ота-оналар ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтади. Тажрибали муаллим таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид кўплаб ўқув-услубий қўлланмалар, рисолалар муаллифидир. "Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари", "Замонавий дарсини ташкил этиш йўллари", "Мактабда ички назоратни ташкил этиш" каби услубий тавсиялар, математикадан махсус қўлланмалар ва "Жаҳонга қоз тутган мактаб" китоби

унинг самарали педагогик фаолияти маҳсулидир.

Тўхтамурод Жумаев Ўзбекистон математикалар жаҳияти аъзоси, мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган мактаб директорлари кенгашининг раиси сифатида ҳам юртимиз илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Мураббийнинг иқтидорли болаларни танлаш, улар билан ишлаш ва юқори таълим самарадорлигига эришиш бўйича иш тажрибаси кенг миқёсда оммалаштирилган.

Айни пайтда Қорақўл академик лицейи ўқувчилари устозлари мактабнинг анъаналарини муносиб давом эттирмоқда. Ўтган уч йил давомида академик лицейи ўқувчилари орасидан ўнга яқин жаҳон ва мамлакат фан олимпиадалари совриндорлари етишиб чиқди. 2012 йил академик лицейини битирган 116 нафар ўғил-қиз мамлакатимиз ва хориж олий ўқув юр்தларининг талабаси бўлди.

— Ёшларимизнинг илмга ташналиги менга куч-ғайрат бағишлайди, — дейди Т.Жумаев. — Бугунги ёшлар фақат олий ўқув юрти талабаси бўлиш учун эмас, халқаро олимпиадаларга чиқиш, мамлакатимизнинг юксак интеллектуал салоҳиятини дунёга кўз-кўз этиш учун ҳам интилади. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай ёшлар эртанги кунимизнинг муносиб ворислари, бугунги эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлишади.

Мамлакатимизда ёшлар камолотини юксалтиришга муносиб улуш қўшиб келатган фидойи муаллим "Эл-юрт хурмати" ордени, "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" фахрий унвони билан тақдирланган.

Устоз муаллим баркамол ёшларга таълим-тарбия беришни, уларни юксак чўққилар, буюк мақсадлар сари руҳлантиришнинг ўзининг энг эзгу орузи, доимий бурчи, деб билади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мўхбири

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куну муносабати билан жойларда байрам тадбирлари ўтказилиб, тозалик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Шеробод туманидаги 56-умумтаълим мактабида ҳам шодиёналар кўтаринки руҳда нишонланиб, муассаса ҳовлиси байрамона паннолар ва байроқчалар билан безатилди.

— Юртимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор ва ғамхўрлик бутун жаҳонда эъти-

Устозлар эъзозланган кун

роф этилаётган, — дейди мактаб директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Сайёра Воҳидова. — Буни халқаро миқёсда ўтказилаётган анжуманларда иштирок этган мутахассислар фикри исботлаб турибди. Айниқса, биз — педагогларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларни қўриб гурурланасан, масъулият ҳиссини туясан, киши. Бу йил ҳам Ўқитувчи ва мураббийлар куну умумхалқ байрамини муносиб нишонламоқдамиз.

Тадбир доирасида тумандаги таълим муассасаларида таълики санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, нафақадаги устозлар билан учрашувлар уюштирилди.

Норкуват ТЎРАЕВ, «Ma'rifat» мўхбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010—2013 йилларда саноат корпорациясини ривожлантириш асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида юртимиз олий таълим муассасаларида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат техника университетида меҳнат бозорида талаб қилнадиған юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида эътиборга сазовор янгиликлар жорий этилмоқда. Бу ерда ёш мутахассисларнинг изланиш олиб боришлариға жиддий эътибор қаратилиши, илмий-тадқиқот лабораториясининг ташкил этилиши натижасида кадрлар салоҳиятини юксалтириш бўйича кенг қўламда ишлар амалга оширила бошланди. Мухими, мазкур олий таълим даргоҳи ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси ҳамкорлиғида янги лойиҳалар устида қизғин иш олиб борилаёпти.

ЛАБОРАТОРИЯ — ИМКОНИАТ

— Энергиядан унумли фойдаланиш ва янги турдаги энергия манбаларини излаб топиш, улардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бугунги куннинг талабидир, — дейди Тошкент давлат техника университетининг «Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчан энергия манбалари» илмий-тадқиқот лабораторияси раҳбари Даулет Рисмухамедов. — Шу маънода университетимизда «Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчан энергия манбалари» замонавий илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди. Иш бошлаганиға қисқа вақт бўлганиға қарамай, бу ерда эътиборға молик тажрибалар ўтказилаёпти, соҳани ривожлантиришға қаратилган тажриба-синов ишлари амалга оширилмоқда. Илмий-тадқиқот лабораторияси ходимлари юқори малакали энергетиклар тайёрлаш, энергияни тежаш бўйича техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда қўллаш; энергетик меъёрлар ва энергетика стандартларини белгилаш; энергия тежамкорлигини амалиётда қўллаш ва бу жараёнда тўғридан-тўғри иштирок этувчи гуруҳлар тузиш; энергия тежамкорлигини назорат қилувчи ва амалга оширувчи давлат ҳамда ҳудудий тузилмалар фаолиятиға илмий ва амалий ёрдам бериш сингари ишларға муносиб ҳисса қўшаётир. Бундан ташқари, лабораторияда энергетика факультетининг ёш олимлари ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари муҳомадан ўтказилаёпти, фойдала деб ҳисобланган тажрибаларға йўлланма берилмоқда. Айни пайтда жамоа иккиламчи энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш ва энергия муаммоси мавжуд ҳудудларға тақсимлаш ҳамда энергия экспортини йўлга қўйиш, энергетик комплексларнинг фаолиятини кузатиш ишлари билан машғул. Асосийси, энергия

ча янги ишлар олиб борилмоқда. Энергетика факультети ҳудудидаги 2та қуёш электр станцияси модули ва 2та шамол энергетика уスキнасида талабалар, тадқиқотчи энергетиклар замонавий муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш бўйича изланишлар олиб боришяпти, мазут ва кўмир ёқилғиларидан электр энергияси ишлаб чиқариш ишлари истиқболлари ўрганилаёпти.

ЭЛЕКТРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

— Аҳоли кўпайгани сайин инсонларнинг электр энергиясига бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Уларни электр энергияси билан таъминлаш долзарб масалаға айланаёпти, — дейди электр таъминоти кафедра-

лаб чиқаришнинг истиқболли лойиҳалари устида тадқиқот ишлари олиб борилаёпти ва амалда қўлланилмоқда.

— Ўқув лабораторияси кадрларнинг амалий тайёргарлиги, энергетик қурилмалардан фойдаланиш имкониятларининг янада ошишиға хизмат қилмоқда, — дейди «Энергетика таъминоти» кафедраси мудири Абдурахим Таслимов. — Янги тадқиқотлар устида иқтидорли талабалар изланишлар олиб бормоқда. Жамшид Одилов, Элёр Эргашев ва Жамшид Инатов, Икром Раҳмонов илмий-амалий анжуманларда «Аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришда иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг аҳамияти», «Қайта тикланадиган

Qaror va ijro

дастлаб коллекторға тушади ва нур электр токиға айлантирилиб, аккумулятор батареяларига йиғилади. Инверторға тушган ток 12 вольт кучланишға эға бўлади, инвертор эса токни 220 вольтға айлантиради. Хар бир талаба буни кундалик ҳаётда юз бераётгандек кузатади. Қисқаси, бундай амалий ишлар талабаларнинг изланиш олиб боришлариға туртки бўлаяпти.

КАЧИСК МУТАХАССИСЛАРГА ЭЪТИБОР

Ҳозир барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари замонавий жиҳозланганини инобатға олсак, ушбу билим масканлариға ишға борган битирувчиларнинг мана шундай замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларида малака оширгани муҳим аҳамият касб этади. Тошкент давлат техника университетида бу жиҳатта ҳам алоҳида эътибор қаратилган ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — Қибрай энергетика касб-хунар коллежи, Фарғона нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи ҳамда Қўқон нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи сингари турдош ўрта махсус ўқув даргоҳлариға касбий таълим мутахассислари — педагог-энергетикларни етказиб бормоқда. Касб-хунар коллежларида иш фаолиятини бошлаган кадрларнинг аксарияти замонавий ўқув лабораториясида амалиёт ўтаган талабалар ҳисобланади.

— Ишға қабул қилинаётганларнинг кўпчилиги нафрат пухта билим ва салоҳиятға эға, балки назарий билимларини амалиётда қўлай оладиган мутахассислардир, — дейди Қибрай энергетика касб-хунар коллежи директорининг амалиёт ишлари бўйича ўринбосари Муқаддас Солихўжаева. — Таълим даргоҳимизда кичик энергетика лабораторияси ўрнатилган. Яратилган кенг имкониятлар, замонавий шарт-шароитлар олий таълим муассасаларидагидан кам эмас. Касб-хунар коллежиздаги ўқув амалиёт қуёш ва шамол электростанцияларида олиб борилади. Ўқувчилар эшитган ёки ўқиганини амалиётда қўрсатгани, тезда хотирада сақлаб қолади ва келажақда кичик мутахассис кадр сифатида ишлаш жараёнида қийинчиликларға дуч келмайди. Бизнинг кичик мутахассисларимиз ҳам устозлари — университет битирувчилари изидан бориб хар қандай энергетик қурилмадан фойдаланишнинг уддасидан чиқишиға ва яратилган қулай шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, соҳа ривожига ҳисса қўшишиға ишонамиз.

Олим ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ

изланишлардан — ихтироларға

сарфини бошқа турдаги ресурслар эвазига қоплаш бўйича тажрибалар давом эттирилаяпти.

ХАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАНМАЛАР

— Ўқув даргоҳимизнинг энергетика факультетида шу ихтисослик бўйича кадрлар тайёрланади ва уларнинг аксарияти келгуси фаолиятини мазкур соҳа билан боғлайди, — дейди университет илмий ишлари бўйича проректори Карима Норкулова. — Ўтган йиллар мобайнида битирувчиларнинг аксарияти «Ўзбекэнерго» ДАК билан шартнома асосида ишға жойлашган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ортди. Умуман олганда, биз тайёрлаётган мутахассисларға бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг хар жиҳатдан пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган: замонавий ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар, илмий-тадқиқот лабораторияси — барчаси талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг янги тажрибалариға хизмат қилмоқда, яратилган ихтиролар синовдан ўтказилмоқда. Ёш мутахассислар томонидан ясалган кичик қуёш ва шамол электростанциялари республикамизнинг турли ҳудудлари — Фарғона, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ўрнатилиб, аҳолини электр энергияси билан таъминлашға хизмат қилмоқда.

Олий таълим муассасасининг амалиёт учун мўлжалланган махсус лабораториясида электр энергиясини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўй-

си ассистенти Жамшид Мавлонов. — Бу эса, ўз навбатида, уни тежаш ишлатиш заруратини келтириб чиқаради. Ҳозир энергия исрофгарчилиғиға йўл қўймаслик мақсадида ЭЭБНҚАТ (АСКУЭ) (электр энергияси бошқарувини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими) системаси кенг жорий этилаяпти. Бунда ГЭСнинг ўзида, сўнгра қўйишанция (подстанция)да ва туман микёсидаги электр станцияларида Украинадан келтирилган уч хил электр ҳисоблагичлар ўрнатилган: ҳисоблагичлар келадиған, қайтариб юбориладиган ва корхонанин ўз эҳтиёжлари учун сарфланадиган энергияни назорат қилади. Ҳудудларда содир бўлаётган электр сарфининг кўпайгани ҳақидаги ахборот тезда марказлашган бўлимға етиб боради. Жараёни факультетимиз талабалари амалиёт дарсларида ёки бўш вақтларида келиб ўрганишади, хар бир ускунанинг функциясини кузатишади. Бу, албатта, уларнинг янги электр қурилмалар устида ишлашиға туртки бераёпти.

ТАДҚИҚОТ — ИХТИРО ИБТИДОСИ

Илмий-тадқиқот лабораториясида қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизда денгиз тўлқинлари асосида электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти йўқ. Қайта тикланувчи манба эса фақат қуёш ва шамол бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини иш-

электр манбалари: бугунги замон энергетикаларидан изланишни талаб этмоқда» сингари бир қатор мавзудардаги чиқишлари мутахассислар томонидан эътироф этилди. Бундан ташқари, 2012—2016 йилларға мўлжалланган 18та фундаментал, 2012—2014 йилларға мўлжалланган 11та инновацион тадқиқот орасида «Шаҳар электр тармоқларида кучланиши 6—35 кв бўлган аралаш изоляцияли кабел линияларининг ишончили ишини таъминловчи янги ечимларни ишлаб чиқиш» ва «Манбаларнинг электр қувватлари ва трансформациялаш коэффициентларини оптималлаш орқали электр энергияни узатишдаги исрофларни камайитириш» масалалари бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларимиз А.Аҳмедов ва Т.Ғойибовнинг ишлари ҳам соҳани ривожлантиришға ҳисса қўшиши тайин.

Айтиш жоизки, ўқув лабораториясида энергияни тежаш мақсадида ишлатилган қувватни ҳисобға олувчи замонавий ҳисоб ускуналарини истемолчилар хонадонига ўрнатиш ва ишлатиш, кенг жорий қилиш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб боришмоқда. Эътиборлиси, бундай ускуналар ёш, иқтидорли талабалар томонидан тайёрланаёпти.

— Лаборатория хоналари кичик қуёш ва шамол электр қурилмалари билан жиҳозланган, — дейди магистрант Элёр Эргашев. — Қуёш батареяси Жанубий Кореядан келтирилган. Унинг ишлаш жараёни ҳақида тўхталадиган бўлсак, қуёш нури



❖ Мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Республикаси Сейми раисининг ўринбосари Андрей Клементьев раҳбарлигидаги делегация аъзолари 25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова ва Сенати Раиси И.Собиров билан учрашди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларaro ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ўзарo ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётир. Мамлакатларимиз парламентлари аъзолари делегацияларининг учрашувлари мунтазамлик касб этаётир.

Музокаралар чоғида томонлар парламентларaro ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

❖ Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўқув семинари ташкил этилди.

Тадбирда туман ва шаҳарлардан 100 нафардан зиёд бошланғич таълим оқитувчилари иштирок этди.

Интерфаол усулда ташкил этилган семинарда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиллика эришиш оstonасида» асари мазмун-моҳияти ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ихроси юзасидан маърузалар тингланди ва сўхбатлар ўтказилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг юксак самаралари, ижтимоий ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар таълимоти ва унинг қўйи бўғинлари етакчиларининг роли ҳақида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди.

Анжуман доирасида «Энг намунали бошланғич таълим» кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Етакчилар турли кўргазмалар воситалар орқали ўз ташкилотлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилдилар. Бу ўзига хос тажриба ва малака алмашиш вазифини ўтади. Фаолияти юқори баҳоланган бошланғич таълим оқитувчилари муносиб тақдирланди.

❖ Кегейли қурилиш ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Жорий йил бошидан буён ўтказилган ана шундай ярмаркаларда 300 нафарга яқин фуқаро иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этади.

Меҳнат ярмаркаси бозорида йигирмага яқин корхона ва таъшилот, фермер хўжаликлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 73 кишига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

❖ Қарши шаҳридаги 18-умумтаълим мактабида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, вилоят ички ишлар бошқармаси, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятдаги вакили ҳамда Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида «Диний экстремизм ва унинг оқибатлари» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда диний экстремизмнинг аянчли оқибатлари, бу каби иллатлардан ёшларни асраш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Давра сўхбатиде ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. «Жаҳолат сиртмоғи» номли видеофильм йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Талабалар кенгаши

фаолияти ёшларнинг бўш вақтини
мазмунли ўтказишга қаратилган

Seminar

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида «Талабалар тураржойларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишда талабалар кенгашларининг ўрни ва роли» мавзусида семинар ташкил этилди. Йиғилишда иштирок этган Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлим бошликлари, «Қамолот» ЁИХ бошланғич таълим оқитувчилари ҳамда талабалар кенгашлари раислари ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданий-маърифий кечалар, соғломлаштиришга қаратилган оммавий спорт тадбирларини олиб боришнинг аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Семинарда марказ директори Мурот Атамуратов, Тошкент давлат педагогика университети профессори Боқижон Тўхлиев ва бошқаларнинг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари»,

«Талабалар тураржойларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда талабалар кенгаши раисларининг ўрни ва ролини оширишнинг долзарб масалалари», «Талабалар тураржойларида турли

ҳуқуқбузарликлар ва иллатларга қарши курашишда ички ишлар органларининг талабалар кенгаши билан ҳамкорлиги» каби маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ер, сув, ҳаво — ҳаёт манбаи

Сентябрь — география фани ойлиги доирасида умумтаълим мактабларида қизиқарли ва мазмунли машғулотлар, очик дарслар ўтказилмоқда. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ана шу муносабат билан турли тадбирлар уюштирилмоқда.

География фани ўқитувчиси Барно Халилованинг 6-синф ўқувчилари учун ўтган «Ер, сув, ҳаво — ҳаёт манбаи» мавзусидаги дarsi ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб қилишга қаратилди. Машғулотда Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Тошкент шаҳар бўлими мутахассислари Раъно Нигматуллаева, Дилбар Раимова иштирок этиб, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабат ҳу-

Sentabr — geografiya va iqtisodiy
bilim asoslari fanlari oyli



сусида ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказди. Бу эса уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масъулиятини уйғотиш билан бирга, фанга бўлган қизиқишни кучайтиришда ёрдам берди. Дарс ноънана-

вий тарзда ташкил қилиниб, иқтидорли ўқувчилар ижодий ишлари, буклет, расмлар, деворий газеталар билан иштирок этишди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

Устозлар қутланди

Юнусобод туманидаги 424-МТМда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрамни катта тантана билан қутиб олиш аънаанага айланган.

Куни кеча бўлиб ўтган «Ўқитувчи ҳаёт бобони, умр чароғбонидир» номли байрам кечасида ҳам жажжи тарбияланувчилар ажойиб сахна кўринишлари билан устоз ва мураббийларни қутлади. Тадбирда иштирок этган ота-оналар ва махалла фаоллари ус-

тозларни ушбу байрам билан самимий муборакбод этишди. Кичкинтойлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва жозибали рақслар байрам кечасига фойз бағишлади.

— Ушбу бoғчада набираларим тарбияланишади. — дейди Анасбек Умарбеков. — Тар-

биячиларнинг таърибалилиги, меҳрибонлиги бoис фарзандларимиз яхши таълим-тарбия олишмоқда. Бoғча мудираси Адолатхон Ҳазратова, кўп йиллик тажрибага эга тарбиячилик Шоҳиста Пўлатова, Муҳаббат Қайумова, Гулсанам Файзиёванинг саъй-ҳаракатлари натижасида муассасада соғлом ижодий муҳит шаклланган. Бола тарбиясида ота-оналар ва махалла билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

Шoҳиста РAҲИМЖOН
қизи

Дийдор ширин

Мактаб — мўътабар даргоҳ. Ушбу қутлуг маскан остонасига илк қадам қўйганимизга 70 йил бўлганига ишонгиси келмайди одамнинг. 1952 йил Шайхонтохур туманидаги 45-умумтаълим мактабини тамомлаган 26 нафар битирувчи улкан мақсадлар, орзу-умидлар томон интилиб, кимдир педагог, ким шифокор, бири математик, яна бири геолог, бошқаси эса муҳандис сифатида эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган мутахассис бўлиб етишди.

70 йиллик сана муносабати билан синфдошлар яна қадрдон масканимизда йиғилдик. Мактаб остонасидан хатлар эканими, орзулар оғушида юрган болалик дамларимиз, сабоқ берган устозларимиз кўз ўнгимизда жонланди. Мактаб директори Розия Қобулова, синф раҳбаримиз Зайтуна Ҳасанова, бошланғич таълим ўқитувчиси Шоҳида Қодирова, ўқитувчилар — Юсуф Мирзаев, Турсунхўжа Юсупов каби устоз-мураббийларимизнинг нурли

қийфалари тасаввуримизда бир-бир гавдаланди.

Мухташам бинодаги ўқув хоналарида фарзанди набираларимиз учун яратилган шарт-шароитларга гувоҳ бўлиб, дилдан шукрона айтдик. Набираларимизни ушбу неъматлар қадрига етишга, пухта билим эгаллаб, етук инсонлар бўлиб улғайишга чорладик. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўражон Ғуломов, техника фанлари номзоди Исмаилов, физика-математика фанлари номзоди Гаффорбек Насриддинов, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Нуриддин Садриддинов каби олимлар ушбу мактабда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларга болалик хотиралари, аввалги ва ҳозирги шарт-шароитлар ҳақида гапириб беришди.

Ўқувчилар ижро этган шеърлар, куй-қўшиқлар қалбимизга янада кўтаринки руҳ бахш этди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,
халқ таълими фидойиси

100 ёшли онахон Анбар Оллаберганова 8 фарзанднинг меҳрибон волидаси, 148 неварра, чевара, эвараларнинг сеvimли бувиси. Бугун Анбар момо ва турмуш ўртоғи раҳматли Дўсчан бобо авлодларининг 40дан ортиғи Хоразмнинг турли ҳудудларида ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Онахон Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз фармониға биноан давлат мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.



Инсон бир умр ҳаётдан маъно излаб яшайди. Қаҳрамони-мизнинг бир асрлик хотиралари, яхши-ёмон кунлари билан танишар эканмиз, онахон ҳаёт мазмунининг устуллари мустаҳкам оила ва жамиятга нафи тегадиган самарали касбда деб билишиға амин бўлди.

... 1912 йил. Шовотнинг Чигатой қалъа қишлоғида орзиқиб қутилган биринчи фарзанд дунёға келади. Одамларға меҳр таратиб юрсин дея ис-

мини Анбар қўядилар. Отанинг умри қисқа экан, уч қизию жуфти ҳалолини эрта тарк этади. Шароит оғир, яшаш учун курашиш керак. Не-не қийинчилик, оғир турмуш тарзига қарамай, волидаи муҳтарамаси Анбарнинг билимли, бирор касб эгаси бўлиши учун ҳаракат қилади. Аввал Шовот туманидаги икки ойлик ўқув курсида, сўнгра Хивадаги педагогика билим юртида ўқитади.

— Ёшлигим қора меҳнатда ўтди, — дейди Анбар она. —

Мен ҳам ҳозирги ёшлардек тўқис шароитларда ўқишни, билим олишни жуда истардим. Лекин яшаш учун тинмай оғир ишларни қилардик. Билим — инсонға куч, қанот. Ўқиган одам ҳеч қачон, ҳеч қаерда ҳор бўлмас экан.

Таълим маскани Анбар она-нинг ҳаётида нафақат билим бергани, балки турмуш ўртоғи билан учраштиргани учун ҳам қадри. У ерда қаҳрамониимиз ўз умр йўлдоши, ҳаётдаги суянчиги — Дўсчан ака Ражабов-

тарбия бериб келмоқда. Ҳозир қаҳрамониимизнинг невараси — Баҳром Дўсчанов илм масканининг директори.

Биз онахондан кўп яшашнинг сири нимада деб сўрадик. Анбар она узок умр кўриш асосини саранжом-сарашталлик, озодалик ва меҳнатда деб билар экан. Одам қанча кўп ишласа, ўз севган касбидан завқ олса, доимо ҳаракатда бўлса, ҳеч бир хасталик уни енголмайди. Ҳозирғача серҳаракат ва тетик онахон нева-

100 Ёшли МУРАББИЙ

у бошчилиғидаги педагоглар сулоласининг 40дан ортиқ вакили ёшларга таълим-тарбия бермоқда

ни учратади. Икки курсдош турмуш қуриб, умр йўли билан бирга касбий фаолиятини ҳам чамбарчас боғлашди: Шовот туманидаги 17-мактабда бошланғич таълимдан билим бера бошладилар.

Педагогларнинг янги ҳаёти уруш йилларига тўғри келади. Дўсчан ака ҳарбий хизматга чақирилди. Анбар аянинг бахти бор экан, турмуш ўртоғи фронтдан омон қайтди. Дўсчан Ражабов меҳнаткашлиғи учун сал ўтмай, Шовот туманидаги 20-мактабга директор этиб тайинланди ва умрининг охиригача шу маскан учун жон қуйдириб яшади. Ушбу мактабда сулоланинг бир неча авлоди ёшларга таълим-

ра-чевараларини ҳам шунга ундаб келмоқда. Бу фикримизни неварра келинлари Нигора ва Шаҳноза опалар тасдиқлади.

— Оилада фарзанд дунёға келдими, қайномомиз бизға шундай тайинлайдилар, — дейди информатика фани ўқитувачиси Нигора Сотимова. — «Бола тарбияси туғилган кунидан бошланади. Уни меҳнаткаш, меҳрибон ва билимли қилиб ўстир. Неварам ёки чеварам, албатта, ўқимишли бўлиши шарт».

— Мен педагог сифатида қайномомдан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувачиси Шаҳноза Бекмонова. —

Ehtirom

Улардаги ўқитувчиға хос фидойилик, қатъият ва қаттиққўллик хислатлари биз каби педагоглар учун ҳамisha ибрат бўла олади.

Сулола вакилларининг меҳнатлари рағбатсиз қолмади: қирқдан ортиқ педагоглар орасида «Ўзбекистон мустақиллиғига 20 йил» эсдалик нишони, «Ўзбекистон фахрий автомотобилчиси», «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони совриндорлари бор. Ўқитувчининг бугунги қадрини кўриб:

— Биз ишлаган пайтлари ўқитувчиларға бундай эътибор йўқ эди, — дейди Анбар она. — Ҳатто касб байрамимизни нишонламаганмиз. Ҳозир-чи, бу кунни ҳамма байрам қилади, бутун халқ бизни табриқлайди. Аиниқса, биз кексаларнинг кўнглини тоғ қадар кўтарайтган яна бир ғамхўрлик — Ўртбoshимиз томонидан ҳар йили 100 ёшдан ошганлар алоҳида тақдирланаётгани бўлаёттир. Мамлакатимиздаги мен тенги юзлаб қариялар бундан миннатдор, қадрланганидан хурсанд. Шундай бўлғач, албатта, яшагинг келади-да. Шу кунларни кўрганимизға шукр!

Ҳар йили 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кун педагоглар сулоласининг барча вакиллари Анбар она хонадонида жам бўлади. Фарзандлар ҳам онаси, ҳам устозини байрам билан табриқласа, неварра-чеваралар шундай буви-жониси борлиғидан фахрланиб юради.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

МЕҲРИБОН «ОЙИЖОН», ҚАДРДОН УСТОЗ

Болалар билан дарс тайёрлаётган Карима опа ғала-ғовурни эшитиб, ташқарига қикди. Ҳовлида ҳозиргина туман икки ишлар бўлимининг вояға етмаганлар ишлари бўйича комиссияси нозирли олиб келган 7 ёшли бола чинқуриб йиллар, қўлиға берган ширинлиғи ўйинчоқларини ҳар томонга отар, қўзларини олазарак қилиб, бу ердан қочишға шайланарди. Ёниға келиб, тинчлантирмоқчи бўлганларни эса тирнаб, тишлашға уринарди. Бундай ҳолатта кўп бор гувоҳ бўлган Карима опа оналарға хос меҳр билан болакайни бағриға босди, юзидан ўпиб, кўз ёшларини артди. Кейин унинг қўлиға нималарнидир пичирлаб овутиди. Йилдан тўтtagан бола онанинг бўйнидан қучиб, кўксига бошини қўйғач, қолганлар енгил тин олди.

— Николайнинг Меҳрибонлик уйимизға кўникиши қийинроқ кечди. У инжиқ, кўрс, маҳмадона бола эди, йўлга солиш учун нималар қилмадик?! «Яхши гап жон озиғи», деганларидек, ширин сўзимизни аямардик. Николай секин-аста муҳитға мослаша бошлади. Уни ўз боламдек сўйишим, эркалашим сабаб бўлди, шекилли, менға аввал «мама», сўнг соф ўзбекча «ойижон» деб мурожаат қиларди бўлди, — дейди Карима опа бу воқеани эслаб.

Меҳрибонлик уйида ишлаб келаётган Карима Қосимхўжаева — юзлаб болаларнинг ойижониси. У ҳар тонг қадрдон гўшасига отланаркан, қўллари-ни кўксига қўйиб, «Ассало му алайкум!» дея

пешвоз чиқадиған ўғил-қизларининг пешонасидан ўпиб кўришади. Сўнг уларнинг юриш-туриши, ўй-кечинмаси, ўқиши билан қ и з и қ а д и. Кимнингдир устбошини тўғрилайди, кимнидир дарс қилишға ундайди. Саранжом-сарашталликни талаб қилади. Тоза-озода қийинған болалар онаси билан хайрлашиб, мактабга одимлайди.

— Карима опа 15 нафар қизнинг тарбияси билан шуғулланади, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Онахон Мадрасулова. — Уларнинг юриш-туришида ўзбекона ҳаё ва андиша муассам. Буни Карима опанинг хизмати деб биламиз. Жамоамиз у кишини нафақат жонқуяр, ташаббускор тарбиячи, балки оқила, меҳридарё аёл сифатида ҳам ҳурмат қилади, қадрлайди. Муассасамизда 7-18 ёшдаги имконияти чекланган болалар тарбияланади. Бу даврда уларнинг ота-онасига эркалик қилгиси келади, шўхликлари кўпаяди. Айни пайтда оқу қорани, яхши-ёмонни англашда ибрат бўлғулик яқин кишиға эҳтиёж сезади. Шундай экан, бизнинг «катта оила»мизда тарбиячидан улкан масъулият талаб қилинади. Карима опа бунини чуқур ҳис қилиб ишлайди.

Муассасада болаларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказиш ва иқтидорини намоён қилиши учун шашка, расм қизиш, бисер тикиш, пазандалик, бадийи драма тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Карима опа машгулотларда ёшларнинг дунёқарашини ўстириш, фикрларини теранлаштириш, билимларини бойитиш ва истеъдод қирраларини кашф этишга эътибор қаратади. Меҳнат муваффақиятда намоён бўлар экан. Тарбияланувчи Ирина Гамаюпова «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси томонидан имконияти чекланган ёшлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда тасвирий санъат бўйича 1-ўринни қўлга киритди.

— Ирина чизган расмларда болаларча бегуборлик, самимийлик

уфуриб туришини кўпчилик эътироф этмоқда, — дейди тарбиячи. — Жисмоний жиҳатдан имконияти чекланганлик бу — қобилиятсиз дегани эмас. Тарбиячи сифатида ҳар қандай болани қўллаб-қувватлаб, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириб, иқтидорини рўёбға чиқариш мумкин.

Меҳрга муҳтождан меҳрини дариг тутмаган Карима Қосимхўжаева сиймосида миллионлаб ўзбек оналари қиёфасини кўргандек бўлдим.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Tajriba-tadqiqot maydonlarida

Тажриба-тадқиқот майдонларида якуновчи босқич давом этмоқда. Утган мослаштирув ва фаол босқичларда тадқиқотчи-ўқитувчилар жараёнга ижодий ёндашган ҳолда ижобий натижаларга эришди. Тажрибаларда синалган технологияларни уйғунлаштириб, бойитиб, бир-бирдан самарали усуллари тақдим этишмоқда.

Навоий шаҳридаги 11-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг география фанидан тадқиқотчи-ўқитувчиси Рустам Абдиевнинг "Шатранж технологияси" усулини олайлик. Бу технология гуруҳ бўлиб ишлашда яхши самара беради. Барча ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш, тегишли мавзу юзасидан билим ва кўникмаларини шакллантириш, фаоллиқни, ҳозиржавоблик ва топқирликни таъминлашда кўл келади.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўқувчилар "Шатранж" тахтасига яширинган савол ёки амалий топшириқларга тўғри жавоб беришлари керак бўлади. Бунда ватман қоғоз ёки тахтага чизилган шахмат шаклидаги қурилмадан фойдаланилади. Рақамланган карточкаларга саволлар яширинган. Қуръа ташлаш йўли билан баҳс бошланади. Албатта, бу спортчилар эмас, балки билимдонлар беллашувидир. Ушбу ноодатий дарс воситасида, биринчидан, ўқув-

чилар эътибори жалб қилинса, иккинчидан, улар спорт мусобақасида қатнашаётгандек рақобатга чоғланади. Қолаверса, болалар гуруҳда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ҳамжихатликда ишлайдилар — куч бирликда эканини ҳис қиладилар.

Масалан, "Қуйи Амударё иқтисодий географик райони" ёки "Хоразм вилояти" мавзуларини мустақамлашда ушбу усулдан фойдаланамиз.

1-намуна:

1	3	5	7	9	11	13	15
2	4	6	8	10	12	14	16
1	3	5	7	9	11	13	15
2	4	6	8	10	12	14	16

"Шатранж" тахтасида яширинган саволлардан намуналар:

1. Хоразм вилоятида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар км²га неча кишидан тўғри келади?

2. Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар км²га неча кишидан тўғри келади?

3. Шўртан газ-кимё мажмуаси йилига қанча полиэтилен ишлаб чиқаради?

4. Қуйи Амударё иқтисодий географик райони аҳолиси қандай касб билан шуғулланиб келган?

5. Чоржўй-Кўнғирот темир йўли нечанчи йили ишга туширилган?

6. Кўнғирот-Мақат темир йўли қайси йили ишга туширилган?

7. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг неча фоизи Қуйи Амударё иқтисодий географик районида тўғри келади?

8. Дўстлик шаҳрида режалаштирилган улкан қурилиш?

9. Чўл-яйловларда йил бўйи чорва молларидан қайси бири боқилади?

Саволларни ўқувчилар сонига қараб киритиш мумкин. Ҳар бир тўғри жавобга рағбатлантирувчи балл қўйилиб, билимдонлар

"Офарин", "Барақалла", "Ҳаракат қил" карточкалари билан тақдирланади. Олинган баллар ва карточкалар БАҲОЛАР САНДИ-ҒИда тўплаб борилади.

Рустам Абдиевнинг "Солиштирма талқин" усули ўқувчиларнинг олган билимларини янада мустақамлаш, текшириш, гидрокини, хотирасини ўстиришда асқотади. Масалан, ўқитувчи дарсни мустақамлаш жараёнида ўтган ва янги ўрганилган мавзулар бўйича ўқувчиларни синаш мақсадида географик талқинлар тарқатади:

"Урганч" гуруҳи учун:

Хоразм вилояти мавзусига тегишли тўғри жавобларга плюс (+) ишораси, нотўғри жавобга минус (-) ишораси қўйилади.

1. Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган. ()

2. Қишда ҳарорат -31°С -32°Сгача пасаяди. ()

3. 51,5 фоиз аҳолиси қишлоқларда яшайди. ()

4. Қишда тупроқ 0,5 метргача музлайди. ()

"Хива" гуруҳи учун:

Қуйи Амударё мавзусига тегишли тўғри жавобларга (+) ишораси, нотўғри жавобларга (-) ишораси қўйилади.

1. Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 6 фоизини ташкил этади. ()

2. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг юздан ортиги жойлашган. ()

3. Янгиариқ тумани бор. ()

4. Чўл-яйлов чорвачилиги яхши ривожланмаган. ()

Дарс сўнгида ҳар иккала гуруҳнинг карточкалар сонини ва йиққан бали ҳисобланади. Голиб гуруҳ эълон қилинади.

Ижодкор педагог ҳар қандай педагогик технологияларни шароитдан, вазиятдан ва ўз иқтидоридан келиб чиққан ҳолда мослаштириб, бойитиб бориши лозим.

Қумрихон СУЛТОНОВА,
Республика таълим маркази методисти
Ғолиб БАҲРОМОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

СИЗ ИЗЛАГАН МАВЗУЛАР

Ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолотига доир долзарб мавзудаги мақолаларни бериб бораётган "Соғлом авлод учун" журналининг навбатдаги 8-сонини муштарийлар кўлига етиб борди. Нашрни



варақлар экансиз, аввало, мустақиллик йилларида таълим тизимидаги улкан ислохотларнинг аҳамияти, таълим-тарбиянинг мамлакат тараққиётидаги ўрни хусусидаги "Таълимга эътибор — келажакка эътибор" сарлавҳали мақола эътиборингизни тортади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, она ва бола саломатлигини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Тиббиёт тизимидаги янгиланишлар" мақоласида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳикоя қилинади. Тиббиёт фанлари доктори Зулхумор Умарназарованинг "Фарзандингиз таомномаси" мақоласи ҳам саломатлик мавзусида бўлиб, ёш ота-оналар учун қимматли маълумотлар тақдим этилган.

Психологлар фикрича, 21 ёшда ўғил-қизларнинг жисмоний ва психологик ҳолати барқарорлашади. "Муносиб никоҳ ёши" мақоласини ўқиб, ёшлар турмуш қуришда нималарга аҳамият бериши лозимлиги тўғрисида билиб олиш мумкин. "Алла айтаётганда она ўз фарзандига қай даражада яқинлиги, унинг хавфсизлиги, саломатлиги ва келажаги учун масъул эканини ҳис этади", дея таъкидланади "Она меҳридан таралган қўшиқ" мақоласида. Мутолаа асосида алланинг яралиш тарихига доир илмий хулосалардан баҳраманд бўласиз.

Қўғирчоқлар — оддий овунчоқлар эмас, балки амалий санъат намунаси, халқимизнинг урф-одат ва қадриятларини ўзида акс эттирган санъат асарларидир. "Жайхун" халқ қўғирчоқ театрининг бадиий раҳбари Мансурбек Қуръазов "Орзу-умид олами қаҳрамонлари" мақоласида миллий ўйинчоқларнинг фарзандларимиз ҳаётидаги ўрни, тарбиявий аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритади.

"Ибн Сино дарсхонаси", "Ҳайрат" рункларидаги материаллар ҳам журналхонларни бефарқ қолдирмайди.

Ғафилат МУРОДОВА

БОЛА ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

"Мақтабгача таълим"даги ҳар бир мақола шунга йўналтирилган

"Мақтабгача таълим" журналининг — 8-сонини "Мустақиллик уфқлари" рункидаги "Обод ва фаровон юрт байрами" мақоласи билан бошланади. "Вақт топиб, албатта, юртимиз сарҳадларини бир айланиб келинг. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон сингари қадимий шаҳарлардаги минглаб архитектура ансамбллари, табаррук қадамжолар, осори атиқалар, кўкка бўй чўзган миноралар, кўнглингизга ҳаяжон, ҳайрат ва фахрланиш ҳиссини солиши табиий", деб ёзади муаллиф.

Таҳрибали педагог Замира Расулованинг "Болаларда ўзаро мулоқотни фаоллаштириш" мақоласи шахснинг шаклланишида ижтимоийлашув масалаларига бағишланади.

"Тарбиячи кутубхонасида" Абдурахмон Акбарнинг "Кичкинтойлар учун байрамлар китоби"



тўпламига киритилган шеърлардан намуналар берилган.

Журналнинг янги рункларидан бири "Манتيкий фикрлаш машқи"да болажонларга мўлжалланган расмий жумбоқлар тақдим этилган.

"Мақтабгача таълим" журналининг 8-сонидан бу каби ўқишли, мактабгача таълим муассасалари ходимлари ҳамда ота-оналар учун бирдек фойдали мақолаларни кўплаб топасиз.

Шаҳноза ХОЛБОВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Осиёнинг кўплаб давлатлари ушбу нуфузли тадбирни ўтказишга даъвогарлик қилган эди. Лекин, Осиё гимнастика иттифоқи уни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Бу мамлакатимизда спортнинг энг оммавий турларидан бирига айланган гимнастикани ривожлантиришда кўлга киритилаётган муваффақиятларнинг тасдиғидир.

Осиё гимнастика иттифоқи Бош ассамблеясида Осиёнинг ўттиз давлатидан гимнастика миллий федерацияси раҳбарлари ва вакиллари қатнашди. Тадбирнинг очилишида

олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилган. Хорижий спорт майдонларидан қолишмайдиган кўплаб марказлар ва секциялар, спорт комплекслари ҳамда заллари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли тизим шакллантирилди. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг Универсиада спорт ўйинлари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айтиш мумкин, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилга айланди.

Гимнастиканинг барча тур-

гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига қўшилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт залларини замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2007 йилда Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ва 2011 йилда Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳиралари спорт мактаби ташкил қилинди. 2009 йилдан буён гимнастиканинг барча турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари олимпиадага тайёрлаш маркази ҳисобланган Гимнастика са-

ришга қаратилган янги гоёлар керак. Тошкентдаги учрашувимиздан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам ушбу гоёларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган гимнастикачиларимиз маҳоратининг тобора ортиб бораётгани Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришга тизимли равишда ёндашилаётганининг самарасидир. Масалан, 2008 йил Пекинда ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида Антон Фокин брусда машқ бажариш, Екатерина Хилько эса батутда сакраш бўйича бронза медалига сазовор бўлди. 2010 йил Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ҳам спортчиларимиз гимнастика турларида иккита кумуш, учта

пойтахтимизда дастлабки республика гимнастрада фестивали бўлиб ўтди. 2007 йилда Ўзбекистон вакиллари Австрияда ўтган Жаҳон гимнастрадасида муваффақиятли иштирок этди. 2008 йилда эса Португалияда ўтган «Gimfest» халқаро турнирида «Ўзметкомбинат» жамоаси энг яхши деб топилди. 2009 йилда «Гимнастика ҳамма учун» биринчи жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси кумуш, 2010 йил Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Натижада 2011 йили Швейцарияда ўтказилган 14-Бутунжаҳон гимнастрадасида мамлакатимиз шарафини икки жамоа ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда гимнастиканинг ушбу йўналишини ривожлантириш бора-сида самарали ишлар амалга

СПОРТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

сўзга чиққан Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Лола Каримова-Тиллаева AGU Бош ассамблеясининг ўтказилиши ташкилотчи мамлакат учун шараф эканини таъкидлади. Осиё гимнастика иттифоқи минтақада гимнастиканинг барча турларини ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда ва бу салмоқли натижалар бермоқда. Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда турли мамлакатлар спортчиларининг маҳоратини оширишга хизмат қиладиган кўплаб халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса, 2012 йил Ўзбекистонлик гимнастикачилар учун муваффақиятли бўлди.

Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шон-шўхрати йил сайин ортиб бораётди. Мамлакатимиз вакиллари Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирлардаги галабалари ҳам шундан далолат беради. Биз уларнинг кўплаб олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритаётгани, ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намоиш этаётгани билан фахрланамиз. Буларнинг барчаси жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол авлоднинг тарбиялаш борасида ҳаммуҳим қилиш давлатимиз раҳбари юртайтаган сиёсатнинг устувор йўналиши эканининг ёрқин самарасидир. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, айниқса, спортни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугун нафақат шаҳарларда, балки

лари ушбу вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди. Негаки, ушбу спорт тури билан шуғулланиш нафақат инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантиради, балки унинг феъл-атвори, энг яхши фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниктиради, олдида кўйган мақсадга эришишга интилишини қучайтиради.

Осиё гимнастика иттифоқи президенти Абдулрахмон ал-Шатрий Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турининг барча асосий йўналишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганини ва AGU Бош ассамблеясининг Тошкентда юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади. Буларнинг барчаси Осиё давлатларида спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларни тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро мусобақаларни кун сайин ортиб бораётган давр талабларига мувофиқ ўтказиш ва гимнастикани жаҳонда янада оммалаштиришга хизмат қилади.

2005 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари — эркалар ва аёллар спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, гимнастика трамплини ва акробатика, шунингдек, барча учун мўлжалланган гимнастикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама кўмағида бу борадаги фаолият ҳақиқатан умуммиллий миқёс касб этди. Янги, истеъдодли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтакавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар кун миңлаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг истиқболли ва иқтидорлилари

ройида шуғулланиш ҳамда йирик мусобақаларни ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий ангилликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, шунингдек, спорт ускуналарини ишлаб чиқаришга жорий этиш — буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилга айлантиришга хизмат қилаётди. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илгор тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларда халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудларида спортчиларни тайёрлаш даражасини оширишга ёрдам бераётди. Бугунги кунда бадий гимнастика бўйича миллий терма жамоамиз таркибининг 70 фоизи ҳудудлардаги гимнастика мактаблари тарбияланувчиларидан иборатлиги шундан далолатдир.

Халқаро гимнастика федерацияси президенти Бруно Гранди Ўзбекистон гимнастика федерацияси ўз фаолиятини самарали амалга ошираётгани учун миннатдорлик билдирди ва бу гимнастика бутун дунёда ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидлади. Лондонда яқинда ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида Осиё мамлакатлари гимнастикачилари юқори натижалар кўрсатди. Минтақа давлатларида спортнинг ушбу аjoyиб тури катта салоҳиятга эгадир. Янги, янада юксак марралар сари интилиш лозим ва бунинг учун гимнастикани ривожланти-

ронза медали, шунингдек, бадий гимнастика бўйича мамлакатимиз терма жамоаси кумуш медални кўлга киритди. Жорий йил Лондондаги ёзги Олимпиада ўйинларида Ульяна Трофимова бадий гимнастика беллашувларида муносиб иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, халқаро сўров натижаларига кўра, Ульяна жаҳоннинг энг мафтункор гимнастикачиларидан бири, деб тан олинди. Мамлакатимиз спортчилари гимнастика турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, кўплаб халқаро мусобақаларда совринли ўринларни мунтазам кўлга киритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бадий гимнастикага алоҳида аҳамият берилмоқда. Негаки, бу спорт тури билан шуғулланиш бўлгуси оналар — қизлар учун ниҳоятда муҳимдир. Гимнастика уларни жисмоний ва эстетик тарбиялаш, ички маънавий гўзаллигини шакллантиришга ёрдам беради. 2004, 2005, 2011 ва 2012 йилларда Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, 2010 йилда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатининг ўтказилгани ҳам Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришда эришилган салмоқли натижалар эътирофининг ёрқин тасдиғидир.

Спортнинг асосий вазифаси — бу фақат муваффақиятларга эришиш эмас, балки, биринчи навбатда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли, аввало, болалар ҳамда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Гимнастика бу вазифаларга тўлиқ жавоб беради. Шу сабабли мамлакатимизда гимнастика ва рақсининг барча йўналишларини ўзида муҳассам этган, барча ёшдаги одамлар жисмоний фаоллигини оширишнинг оммавий турларидан бири бўлган ушбу спорт тури жадал ривожланмоқда. 2006 йилда

оширилаётганидан далолатдир.

Махжисда Осиё гимнастика иттифоқининг қиъамиз турли географик ҳудудлари бўйича вице-президентлари сўзга чиқиб, форум қатнашчиларига ўтган даврда бажарилган ишлар ва Осиёда гимнастикани ривожлантириш йўналишлари ҳақида батафсил ахборот берди.

Тадбирда Ўзбекистон нафақат Осиё, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларига гимнастиканинг асосий турларини тизимли равишда ривожлантириш, шунингдек, спортнинг оммавийлик ва шахсни комплекс тарбиялашга қаратилган энг муҳим принципларини ҳаётга татбиқ этишда намуна бўлаётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган пухта ўйланган, оқилона сиёсатнинг амалдаги самараларидир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда бунинг учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат экани алоҳида қайд этилди.

Махжисда миллий гимнастика федерацияларининг Осиё минтақасида ушбу спорт турининг барча йўналишларини янада ривожлантиришга қаратилган вазифалари, 2013 йилда бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларига тайёргарликнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, спортчиларни тайёрлаш даражасини ошириш ва шу мақсадда энг илгор спорт, илмий ҳамда тиббиёт технологияларидан фойдаланиш учун миллий гимнастика федерацияларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чоратadbirlar ишлаб чиқилди.


Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири



«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

Азиз ватандошлар!

*Мамлакатимиз фан ва
таълим тизимида меҳнат
қилаётган фидойи устозлар,
барчангизни 1 октябрь —
Ўқитувчи ва мураббийлар
куни умумхалқ байрами
билан самимий
муборакбод
этамиз!*



«SHARQ» — ўз анъаналарига содиқлик, юсак технология, замонавий услуб!
Барча турдаги нашрилик маҳсулотлари ҳамда матбаа хизматларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар: +99871 233-56-56; 233-47-97.
Факс: +99871 239-43-17 Web: www.sharq.uz E-mail: info@sharq.uz

Хизматлар кўрсатиш лицензияланган



ТОШКЕНТВИЛОЯТПАХТАСАНОАТ

ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

*Сиз азиз ўқитувчи ва мураббийларни
умумхалқ байрами билан
самимий муборакбод этамиз!*

*Сизларнинг зиммангизга инсониятга илм-маърифат
тарқатиш, ҳар бир шахсни билимли, оқил қилиб
тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли
вазифа юклатилган.*

*Ўқитувчининг заҳматлари бошқа
ҳеч бир касб эгасида йўқ.*

*Сизларга ана шу сермашаққат меҳнат
йўлида доимо омад ва
зафарлар тилаб қоламиз.*

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!



“Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012” Республика танлови голиблари Р Ў Й Х А Т И

1-ЎРИНЛАР

1. Хасанбоев Ж., Тўракулов Х., Алқаров И., Усмонов Н., Педагогика, Ношир, Тошкент — 2011 й., (ЖизДПИ).
2. Избосаров Б., Камолов И., Молекуляр физика, Турон-икбол, Тошкент — 2010 й., (НавДПИ).
3. Олимов К., Нурбоев Р., Соатова Г., Раҳмонов И., Тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш жихозлари, Фан, Тошкент — 2011 й., (БухЮТМТИ).
4. Алихонов С., Математика ўқитиш методикаси, Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (НамДУ).
5. Гултураев Н., Ходжаев Н., Нормуродов А., Телекоммуникация тармоқлари, Фан ва технология, Тошкент — 2011 й., (ТАТУ).
6. Мўминов А., Тиллабоев М., Инсон ҳуқуқлари, ЖИДУ, Тошкент — 2010 й., (ЖИДУ).
7. Ли Б., Народная медицина, Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (ТТА).
8. Абдукаримов Б., Ички савдо иқтисодиёти, Иқтисод-молия, Тошкент — 2010 й., (СамИСИ).
9. Холиқов А., Педагогик маҳорат, Тафаккур бўстони, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
10. Вахитов М., Мирзаев Ш., Меъморчилик (1,2,3-қисм), Тафаккур, Тошкент — 2010 й., (БухЮТМТИ).
11. Аҳмедова М., Педагогика назарияси ва тарихи, Тафаккур бўстони, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
12. Мамадиярова Х., Лутфуллаев Э., Анорганик кимё, Н.Доба, Самарқанд — 2009 й., (СамКХИ).
13. Раҳмонов И., Валиев А., Чизмачилик, Ворис, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
14. Шукуров Ф., Махмудов М., Рафиқов С., Ганиев Ш., Бино ва иншоотлар архитектураси, Самарқанд — 2009 й., (СамДАКИ).
15. Оплачко Т., Физика курс лекций (часть-1,2) (Электрон ўқув қўлланма), Тошкент — 2011 й., (ТАКИ).
16. Усмонов И., Суфизм, ТИУ, Тошкент — 2011 й., (ТИУ).
17. Аъзамхўжаева Т., Хайдаров М., Солихўжаев Ш., Бекназаров А., Холмухамедов Б., Ҳамширилик жараёнида муолажаларни бажариш техникаси, Сано-стандарт, Тошкент — 2011 й., (ТПТИ).
18. Артукумов З., Алланов Х., Сугорининг янги технологиялари ва ундан фойдаланиш, ТДАУ, Тошкент — 2010 й., (ТДАУ).
19. Остонакулов Т., Ҳамзаев А., Ўзбекистон картошчачилиги, СамКХИ, Самарқанд — 2010 й., (СамКХИ).
20. Хожиматова М., Саҳна нутқи (Хрестоматия, Нутқ техникаси), Янги аср авлоди, Тошкент — 2011 й., (ЎзДСМИ).
21. Рўзиев Э., Аширбоев А., Мухандислик графикасини ўқитиш методикаси, Янги аср авлоди, Тошкент — 2010 й., (ЎргДУ).
22. Эшимов Д., Патология физиологияси ва патология анатомия (2-нашр), Илм-зиё, Тошкент — 2011 й., (СамКХИ).
23. Абдуллаева К., Гаипова Н., Фафурова М., Тикув буюмларини лойihalаш, моделлаш ва бадий безаш, Ношир, Тошкент — 2010 й., (ТДПУ).
24. Азимов Ю., Китоби хониш 3-синф, Ўзбекистон, Тошкент — 2010 й., (РТМ).

2-ЎРИНЛАР

1. Айрапетянц Л., Пўлатов А., Волейбол назарияси ва услубияти, ЎзДЖТИ, Тошкент — 2011 й., (ЎзДЖТИ).
2. Абдуллаева Б., Ражабов Ф., Машарипова С., Олий математика асослари, Иқтисод-молия, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
3. Магдиева С., Курбанов А., Современные технологии преподавания русского языка и литературы, ТДПУ, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
4. Мусаев М., Саноат чиқиндиларини тозалаш технологияси асослари, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2011 й., (ТДТУ).
5. Раҳимов Ш., Чолгу ижрочилиги (Дутор солиди, Эл. дарслик), Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
6. Нигматов И., Тожиев М., Фавкуллода вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси, Иқтисод-молия, Тошкент — 2011 й., (ТМИ).
7. Эшон О., Анестезиология ва реаниматология (2-нашр), Ворис, Тошкент — 2010 й., (БухДТИ).
8. Абдуллаев С., Номозов Х., Тупроқ мелиорацияси, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Тошкент — 2011 й., (ТДАУ).
9. Ерматова Д., Экологик мониторинг, Фан ва технология, Тошкент — 2010 й., (ЎзДЖТУ).
10. Пирматов Ш., Яккадон қўшиқчилиги, Мусика, Тошкент — 2011 й., (ЎзДСМИ).
11. Бозорбоев Ж., Эдип философияси, Руўхй-лык тийкарлари, Нукус-2010 й., (НуқДПИ).
12. Махмудов Х., Аҳлимирзаев А., Юсупова А., Математика, Андижон — 2010 й., (ФарДУ).
13. Қосимова М., Кичик бизнес ва тадбиркорлик, Адиб, Тошкент — 2011 й., (ТДИУ).
14. Гулямов Б., Исламов С., Нормуратов И., Цитрус экинларини етиштириш технологияси, Абу матбуот консалт, Тошкент — 2011 й., (ТДАУ).
15. Дадажонов Т., Мухитдинов М., MATLAB асослари, Фан, Тошкент — 2009 й., (ТАТУ).
16. Бобожонов А., Рўзиев С., Аҳоли яшаш жойлари кадастри, Тафаккур, Тошкент — 2011 й., (ТИМИ).
17. Номозов Х., Қорахоннова Ю., Амонов О., Ер ресурсларидан фойдаланиш ва химоялаш, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Тошкент — 2011 й., (ТДАУ).
18. Тожиев Ў., Номозов Х., Тупроқларни хари-талашда космик тасвир усулларида фойдаланиш, Алоқачи, Тошкент — 2010 й., (ТДАУ).
19. Ортиқов Т., Мусика ўқитиш методикаси, Муҳаррир, Тошкент — 2011 й., (Нам. пед. кол.).
20. Абдуллаева А., Қаюмов И., Эргашев А., Бухгалтерия ҳисоби назарияси (2-нашр), Ўқитувчи, Тошкент — 2009 й., (АндМИ).
21. Расулова М., Тикув буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, Турон-икбол, Тошкент — 2011 й., (ТТЕСИ).
22. Эгамов А., Бойметов Б., Аминов Х., Чизматасвир, Шарк, Тошкент — 2011 й., (МРДИ).
23. Аҳмедов С., Қосимов Б., Қўқоров Р., Ризаев Ш., Адабиёт 5-синф (1,2-қисм, 2-нашр), Шарк, Тошкент — 2011 й., (РТМ).

3-ЎРИНЛАР

1. Бакиева Г., Ирискулов М., Исамухамедова Н., Ким О., English for professional development, Масъулиятли матбаа, Тошкент — 2011 й., (ЎзДЖТУ).
2. Ибодов А., Юнусхўжаев А., Ўбайдуллаев Қ., Фармацевтик кимё (1, 2-қисм), Ворис, Тошкент — 2011 й., (ТФИ).
3. Эргашев Р., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, Extremum press, Тошкент — 2011 й., (ҚарММИ).
4. Едгоров Ж., Нарзуллаев А., Машинасозлик чизмачилиги, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2009 й., (БухДУ).
5. Толипова Ж., Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар, Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
6. Қозоқбоев Т., Худойкулов М., Журналистика асослари, Тошкент — 2009 й., (ЎзДСМИ).
7. Шайхова Г., Бахритдинов Ш., Саломова Ф., Алимова Р., Фуломова Ш., Эрматов Н., Шовалиев И., Чўлпон И., Азизова Ф., Қурянова С., Тошматова Г., Иброҳимов Т., Қурбанова Х., Отахонов И., Овқатлашиш гигиенаси, Янги аср авлоди, Тошкент — 2011 й., (ТТА).
8. Шермухамедова Н., Гносеология — билиш назарияси, Ношир, Тошкент — 2011 й., (ЎзМУ).
9. Икромов М., Сидиқназаров К., Абдурахмонов А., Мусахонов М., Бозоров Б., Қодиршов Т., Тожибоев А., Кузнецов Н., Алихонжаев А., Магдиев Ш., Рўзमतов Т., Автотранспорт воситалари сервиси, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Тошкент — 2010 й., (ТАИИ).
10. Акрамов Х., Нуриддинов Х., Бетон ва темирбетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2011 й., (ТАКИ).
11. Холбеков М., Тожиев Х., History of British literature (X-XIX centuries), Жиззах — 2010 й., (ГулДУ).
12. Аминов С., Қурбанова М., Раҳматуллаева М., Физик ва коллоид кимё фанидан масалалар тўплами, ТФИ, Тошкент — 2011 й., (ТФИ).
13. Бозорбоев Ж., Пазилов А., Алимов А., Кназбаев О., Қарақалпақ этнопедагогикаси, Билим, Нукус — 2010 й., (НуқДПИ).
14. Абдуллаев Э., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С., Банк иши, Иқтисод-молия, Тошкент — 2010 й., (ТМИ).
15. Алимов Р., Маждидов Р., Ҳақимов А., Муродова Н., Маълумотлар банки ва базалари, Иқтисодиёт, Тошкент — 2011 й., (ТДИУ).
16. Абдуллаев А., Қуръоншунослик, ТИУ, Тошкент — 2011 й., (ТИУ).
17. Шамсидинова Г., Каримова Д., Илясов А., Гидрология, Lider press, Тошкент-2009 й., (НавДПИ).
18. Пазилов А., Педагогика теорияси ҳам тарихи, Билим, Нукус — 2011 й., (НуқДПИ).
19. Гаймназаров Г., Функциянинг силлиқлик модули, ГулДУ, Тошкент — 2011 й., (ГулДУ).
20. Соипова Д., Мусика ўқитиш назарияси ва методикаси, ЎзДК, Тошкент — 2009 й., (ЎзДК).
21. Азизов Ш., Шахс ва жамият, Шарк, Тошкент — 2010 й., (ЎзМУ).
22. Очилов И., Султонов Д., Сугурта ҳисоби ва ҳисоботи, Иқтисод-молия, Тошкент — 2010 й., (ТМИ).
23. Эгамбердиев Х., Кимёвий алгоритмлар: Кимёвий алгоритмларнинг назарий асослари, Фан ва технология, Тошкент — 2010 й., (Сурхондарё вилоят ПККТОИ).
24. Махмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Қодиров В., Жўрабоева З., Она тили 5-синф (3-нашр), Маънавият, Тошкент — 2011 й., (РТМ).

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ЎРИНЛАР

1. Тошпўлатов Т., Гафуров Я., Тарих ўқитиш методикаси, Турон-икбол, Тошкент — 2010 й., (ЎзМУ).
2. Давлетов А., Давлетов М., Қудайбергенов М., Хэзирги қарақалпақ эд-бий тили, Билим, Нукус — 2010 й., (ҚКДУ).
3. Файзуллаев Б., Назарий механика (1-хилд), Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (ЎзМУ).
4. Вахобов А., Маликов Т., Молия, Ношир, Тошкент — 2011 й., (ТМИ).
5. Бекназаров Б., Усимликлар физиологияси, Алоқачи, Тошкент — 2009 й., (ЎзМУ).
6. Дадаев С., Сапаров К., Зоология (Хордалилар, 2-қисм), Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (ГулДУ).
7. Комилова Х., Хамроева Н., Тикув буюмларини конструкциялаш, Чўлпон, Тошкент — 2011 й., (ТТЕСИ).
8. Алимов Р., Йўлчиёва Г., Рихсимбоев О., Алишов Ш., Ахборот технологияси ва тизимлари, Ворис, Тошкент — 2011 й., (ТДИУ).
9. Арипов Х., Абдуллаев А., Алимова Н., Бўстонов Х., Обьедков Е., Тошматов Ш., Электроника, Фан ва технология, Тошкент — 2011 й., (ТАТУ).
10. Абдулла Шер, Ахлоқшунослик, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2010 й., (ЎзМУ).
11. Содикова Г., Аҳмедов А., Турсунхўжаева Г., Болалар неврологияси, Иқтисод-молия, Тошкент — 2010 й., (ТПТИ).
12. Умаров Н., Абдуллаев А., Зулинова Р., Статистика, Иқтисод-молия, Тошкент — 2009 й., (АндМИ).
13. Қосимова Д., Менежмент назарияси, Тафаккур бўстони, Тошкент — 2011 й., (ТДИУ).
14. Расулов Э., Классик ва квант физиканинг қўшимча боблари, Фан ва технология, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
15. Маждидова Ш., Расулова М., Технологик жараёнларни лойihalаш, ТТЕСИ, Тошкент — 2011 й., (ТТЕСИ).
16. Самигов Н., Бино ва иншоотларни таъмирлаш материалшунослиги, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2011 й., (ТАКИ).
17. Отақўзиев Т., Искандарова М., Раҳимов Р., Отақўзиев Е., Жихозлар ва лойihalаш асослари, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент — 2011 й., (УрДУ).
18. Умаров Е., Қарақалпақстаннинг экономикалик ҳам социаллик географияси, Нукус — 2011 й., (НуқДПИ).
19. Мирсаидов М., Боймуродова Л., Гиёсова Н., Назарий механика, Илм-зиё, Тошкент — 2009 й., (ТИМИ).
20. Лутфуллаев Э., Бердиев А., Мамадиярова Х., Анорганик кимё, Н.Доба, Самарқанд — 2009 й., (СамКХИ).
21. Саидов М., Олий таълим тизимида молиявий бошқарув, Тафаккур бўстони, Тошкент — 2011 й., (ТАИИ).
22. Чиникулов Х., Қўшоқов А., Ҳамидов Э., Умумий геология: минераллар ва тоғ жинслари бўйича лаборатория машғулотлари, МРИТИ, Тошкент — 2011 й., (ЎзМУ).
23. Ортиқова Д., Иқтисодий хавфсизлик, Иқтисодиёт, Тошкент — 2011 й., (ТДИУ).
24. Мўминов О., Ходжаева С., Раҳимова Н., Султонова С., Иномова Д., Practical course in translation (1-2-қисм), А.Навоий номидаги Ўз.миллий кутубхонаси, Тошкент — 2010 й., (ЎзДЖТУ).
25. Мирзаев Ч., Таълим жараёнларини комплекс лойihalаш, Тошкент-2010 й., (ГулДУ).
26. Абдуазизов А., Жўраев Н., Искандаров У., Электр алоқа назарияси, Фаргона — 2010 й., (ТАТУ Фаргона филиали).
27. Агзамхўжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажибидинов Ж., Дунё динлари тарихи, Тошкент — 2011 й., (ТИУ).
28. Каримов М., Холмухамедов Р., Шамсатов И., Тожибаев С., Боксчиларнинг спорт-педагогик маҳоратини ошириш, Lider Press, Тошкент — 2011 й., (ЎзДЖТИ).
29. Мирзахмедов М., Тоҳиров М., Методология научных исследований, ТТИИ, Тошкент — 2011 й., (ТТИИ).
30. Эргашева Ш., Хожимухамедова Ш., Мадаминаева З., Молия, ТИМИ, Тошкент — 2011 й., (ТИМИ).
31. Артукумов З., Экинларни сугориш асослари ва сугориш тизимларидан фойдаланиш, ТДАУ, Тошкент — 2009 й., (ТДАУ).
32. Эгамбердиев Н., Археология, Фан ва технология, Тошкент — 2011 й., (ТДПУ).
33. Усмонов Т., Усмонов Н., Қурилиш машиналари, ТИМИ, Тошкент — 2011 й., (ТИМИ).
34. Исроилов И., Пашаев З., Геометрия (1,2-қисм), Ўқитувчи, Тошкент — 2010 й., (СамДУ).
35. Айбешов Х., Эргашев А., Йўлчиёв Э., Исмомил А., Маркетинг асослари (2-нашр), Илм-зиё, Тошкент — 2011 й., (СамКХИ).
36. Абдирасилов С., Ҳасанов М., Расм ўқитиш методикаси, Иқтисод-молия, Тошкент — 2010 й., (ТДПУ).
37. Зуев В., Атаходжаев А., Қодирхўжаев О., Химояланган ерларда қўлат ва сабзавотларни етиштириш, Ношир, Тошкент — 2010 й., (ТДАУ).
38. Махмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д., Мирзаамедов А., Она тили 7-синф (2-нашр), Маънавият, Тошкент — 2009 й., (РТМ).
39. Дроздова Г., Хамидова М., Ручной труд 1-2 класс, Илм-зиё, Ташкент — 2010 й., (РТМ).
40. Хамидова М., Дроздова Г., Ручной труд 1-2 класс, Илм-зиё, Ташкент — 2010 й., (РТМ).

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
умумхалқ байрами барчангизга муборак бўлсин!*

*Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг
ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётган
устозларга, фан-техника тараққиёти
йўлида самарали меҳнат қилаётган олимларга,
ёшларга спорт сирларини ўргатиб,
уларни жаҳон шоҳсупаларига олиб
чиқаётган тажрибали
мураббийларга улкан
зафарлар ёр
бўлишини тилаймиз!*

SAVDOGAR BANK

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ “САВДОГАР” БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
“Савдогар” банки жамоаси барча
ўқитувчи ва мураббийларни, фан, таълим
ҳамда банк-молия тизимининг фидойи
устозларини, юртимизга ташриф буюрган
хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни,
ўз акциядорлари ҳамда мижозларини

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

умумхалқ байрами билан самимий
кутлайди! Ҳар бир оилага бахт-саодат,
шодлик ва фаровонлик тилайди!

Жаҳон иқтисодиёти ва халқлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда туризмнинг ўрни бекиёс. Шу муносабат билан ҳар йили 27 сентябрь Халқаро туризм кuni сифатида нишонланади. Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1979 йили Испаниянинг Торремолинос шаҳрида таъсис этилган мазкур сана сайёрамизнинг кўплаб давлатларида туристик бизнес соҳасининг барча вакиллари, жумладан, сайёхлик компаниялари ходимлари, музей ишчилари, меҳмонхона мажмуалари раҳбарлари ва хизматчилари томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинади. Кизиги шундаки, ҳар йили Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти байрам шiorини эълон қилади. Жумладан, 2012 йил учун «Туризм ва барқарор энергетика» шiorи танланган.

шидаги касб-хунар коллежлари ҳам соҳанинг ривожини учун кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мамлакатимизда туризмнинг ривожланишида Марказий Осиёдаги нуфузли тадбирлардан бири саналмиш Тошкент халқаро туристик ярмаркасининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бугунги кунда мамлакатда 710дан ортиқ сайёхлик ташкилоти фаолият юритмоқда, 261 фирма меҳмонхона хизматларини кўрсатишга лицензия олган. Мамлакатимизда сўнгги йилларда сайёхлик шиддат билан ривожланаяпти, 2010 йилнинг ўзida республикамизга хорij ва MDH мамлакатларидан 1 миллион 353 минг сайёх ташриф буюрган. Хо-

27-сентябр — Халқаро туризм кuni

элитига мўлжалланган транспорт воситалари, жумладан, самолётлардаги хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Тошкент шаҳридан 85 километр жануби-шарқда жойлашган ва ноёб тоғ-чанғи курорти ҳисобланган Чимён экологик ва экстремал туризм ишқибозлари орасида машҳур. Сайёхлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида келажакда «TNT Productions, Inc.» компанияси томонидан кенг миқёсли миллий ва минтақавий реклама акцияларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекитуризм миллий компанияси томонидан ёзги ҳамда мавсумий дам олиш, бизнес-

қаларо магистралда туризмни ривожлантиришга доир Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ушбу факт Ўзбекистоннинг жаҳон туризмидаги бекиёс аҳамиятини яққол ифода этади.

1995 йилнинг октябрь ойида Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти ҳамкорлигида Тошкентда илк мартаба «Буюк ипак йўли бўйлаб сайёхлик» халқаро туристик ярмаркаси ташкил этилди. Унда 33та мамлакатдан 100дан ортиқ корхона, шунингдек, Буюк ипак йўлида жойлашган давлатларнинг миллий туристик ташкилотларидан вакиллар иштирок этди.

2004 йили эса Самарқанд-

да ушбу йўналишда бир қатор мамлакатларнинг сайёх-қаратларини мувофиқлаштириш мақсадида Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти идораси иш бошлади.

2010 йилнинг октябрь ойида Буюк ипак йўлида туризмни ривожлантириш масалалари бўйича Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти халқаро мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш сўнггида 2010-2011 йиллар учун Буюк Ипак йўлида янги «Харакатлар режиси» қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда минг йиллар мобайнида халқлар, мамлакатлар ва қиёталарни бирлаштирган тарихий магистралда туризмни ривожлантириш бўйича аниқ ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. 1999 йили Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва бу соҳа ривожига янги босқичнинг бошланишига асос бўлди. 2001 йили ҳукуватимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган иқтимоий-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, сифатли сервис хизмати ва имижини учун 2001 йилнинг 31 январида Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Ўзбекитуризм» миллий компаниясига туризм ва меҳмонхона иши бўйича XXVI халқаро мукофот топирилди ва миллий компания савдо етакчилари клуби аъзолигига қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида «Ўзбекитуризм» миллий компанияси томонидан халқаро стандартларга тўла мос келувчи «Шодлик-Палас», «Афросиёб-Палас», «Бухоро-Палас», «Гранд Бухоро», «Шахрисабз юлдузи», «Регистон» ва бошқа кўплаб сайёхлик мажмуалари ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари чексиз эканлигини таъкидлаш зарур. Айни пайтда юртимизда туризмнинг миллий моделини шакллантириш, шарқона меҳмондўстлик вазамавий хизмат кўрсатиш стандартларини уйғунлаштирган ҳолда ўзига хос туризм сиёсатини яратиш ишлари изчил давом этмоқда.


Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТУРИЗМ: САМИМИЙ МЕҲМОНДЎСТЛИК ВА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ХИЗМАТ УЙҒУНЛИГИ

Юртимизда сайёхлик соҳасида олиб борилган қатор ислохотлар самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистон жаҳондаги етакчи сайёхлик марказлари орасида юксак эътиборга лойиқ кўрилаяпти. Шаҳарлар кўрkiга кўрк қўшиб турган шарқона услубдаги бетакор иншоотлар ва бинолар олдида соатлаб туриб, уларни тинимсиз суратга олаётган хорijлик сайёхларнинг Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон диёрга қизқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги фармонида мувофиқ «Ўзбекитуризм» миллий компанияси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос туризм тизимини яратиш, ушбу соҳани бошқаришни такомиллаштириш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат. Йиғирма йиллик фаолияти давомида компания сайёхлик хизматлари инфратузилмасини шакллантириш, туризмни ривожлантириш, туристлар ҳавфсизлигини таъминлаш, сайёхлик фаолиятини тармоқларо ва минтақаларо мувофиқлаштиришни амалга ошириш, туризмни ривожлантириш соҳасида хорijий кредитлар ва сармояларни жалб этиш, хорijий давлатлар ҳамда уларнинг компаниялари билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш, туризм соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш каби жабҳаларда иш юритиб келади.

Ўзбекистон сайёхлик сектори олдида турган асосий вазифалардан бири мазкур комплекснинг жаҳон туризм бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва шу йўлда профессионал узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. «Ўзбекитуризм» миллий компанияси ўз навбатида туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишга қўмақлашди. Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга йўналтирилган Республика илмий-ўқув консалтинг маркази 2000 йил 14 июнда Ўзбекистон Респуб-



ликаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ва «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги фармонлари асосида ташкил этилган. Марказ туризм соҳаси учун гидлар, туроператорлар, турагентлар, меҳмонхона менежерлари, сайёхлик корхоналарининг раҳбарлари, меҳмонхона хўжалиги ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади.

Ўзбекистонда 5та олий ўқув юрти, хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг туризм факультетлари, Бухоро ва Урганч давлат университетларининг туризм кафедралари соҳага мутахассислар етказиб беради. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз шаҳарлари ва Тошкент вилоятидаги туризм йўнали-

рижда дам олишга эса 560 мингга яқин юрtdошимиз чиққан.

Ўзбекистон тарихий обидаларга бой мамлакат. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Тошкент ва Қўқон каби шаҳарларимиз бутун дунёга машҳур. Ўтмишда бу шаҳарлар маданият ва илмфан марказлари сифатида улуғланган. Қўли гул меймор ва наққошлар томонидан барпо этилган бетакор саройлар, кўркем минораларни бир бор бўлса-да кўриш, бугун билан юзлашган тарих тафтини хис қилиш кўплаб сайёхларнинг орзуси. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва имкон даражасида барча қўлайликларни яратиб бериш учун туризм соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, халқаро стандартдаги янги меҳмонхоналар, ресторан ва кафеалар очилди, шинам сайёхлик автобуслари, тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бунинг замирида эса халқимизгагина хос бўлган меҳмоннавозлик фазилати ётади. Сайёхларни манзилига

турлар ва ишбилармонлик самфарлари, болалар учун саёхатлар ташкил этиш хизматлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон сайёхлигининг дунё миқёсида эътибор қозониши кўп жиҳатдан Бутунжаҳон сайёхлик ташкилоти (UNWTO) билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига боғлиқ. Мамлакатимизда барқарор ва оммавий туризмни тарғиб этишда мазкур ташкилот муҳим рол ўйнайди.

1993 йили Ўзбекистон Бутунжаҳон сайёхлик ташкилотига аъзо бўлган. Бу мамлакатимиз сайёхлиги нуфузини янада ошириш, ҳамкорликни кенгайтириш, миллий-маданий меросимизни жаҳонга таништиш йўлида қўйилган улкан қадам, дейиш мумкин.

Бунлашган Миллатларнинг Бутунжаҳон сайёхлик ташкилотининг 1993 йили Индонезияда ўтказилган бош ассамблеясида «Ипак йўлида туризм» дастури қабул қилинди. 1994 йили Самарқанддаги машҳур Регистон майдонида тўпланган 19 мамлакат вакиллари томонидан ана шу тарихий минта-



АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Барча таълим даргоҳлари
ўқитувчиларини, ёшларга спорт
сирларини пухта ўргатиб, уларни халқаро
мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига
олиб чиқаётган мураббийларни,

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

умумхалқ байрами билан муборакбод
этамиз! Мамлакатимиз таълим тизимини
янада юксалтириш йўлидаги машаққатли
меҳнат фаолиятингизда омад
ва зафарлар тилаймиз!



МУАЛЛИМА

Узоқ Кўшрабт туманининг Жўш қишлоғидаги ўша мўъжазгина мактаб, ҳамкасблари, жовдираган кўзлари билан термулиб турувчи шириндан-шакар ўқувчилари ҳар куни ишга отланаётганида унинг кўз олдида ўтади. Қишлоқнинг содда, айна пайтда хокисор, меҳнаткаш ва самимий одамлари ҳам ҳаёлида гавдаланаверади. Уни аслида узоқ-узоқлардаги қишлоғига боғлаб турган ришталар ҳам шулар.

ги Тошкент давлат педагогика университети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси факультетида тахсил олди.

Муаллима бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 324-мактабда расм ва чизмачилик фанидан дарс бермоқда. Методик бирлашма раҳбари сифатидаги фаолияти ҳам тахсинга лойиқдир. Унинг қисқача таржимаи ҳоли шу. Бироқ... Муаллиманинг иродаси тақдир уйинла-

роқ чалинган, унинг дарсларида барча фаол қатнашади. Муаллиманинг ҳар бир сўзи ўқувчилар диққат-этиборини тортади. Муносабатда қаттиққўллик, талабчанлик баробарида меҳрибонлик жамулжам. Шу туйғайли ота-оналар ҳам унга алоҳида ҳурмат билан мурожаат қилишади.

МУАЛЛИМА гулларни севади. Шу туйғайли бўлса керак, синфхоналари гулларга тўла. Қирган кишининг ҳаваси келади. Баъзилар ўз уйига шундай этибор қаратишмайди. Гулларга термулиб ўқувчиларнинг ҳам баҳри-дили очилади. Муаллиманинг гулларга бўлган меҳрини, ўқувчиларга кўрсатаётган иззатини кўриб, унинг ўзини атиргулга қийс қиласан киши. Инсон атиргулга ёқимли ифори, беқийс гўзаллиги туйғайли мафтун бўлади, интилади. Соҳидага ҳам ўқувчилари атиргулга интилгандек талпинишади. Чунки унинг ифори илмдир, ўқувчиларига бўлган оналик меҳридир. МУАЛЛИМА меҳрибон она сифатида ҳам маҳалла-қўй этиборида. Уч нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказётган бу аёл ўқитувчилик туйғайли ўз жигаргўшаларини Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбияламоқда.

МУАЛЛИМА билан суҳбатимиз асосида бир нарсга амин бўлдики, унинг иродаси нихоятда мустаҳкам, қалби юзидек гўзалдир. Ота-онаси берган ҳалол ризқини, юксак маънавий тарбиясини ҳар қадамда оқламоқда. Шу туйғайли жамоадаги обрў-этибори йил сайин ортиб бораётир.

МУАЛЛИМАнинг қалби гўзал дедик, у ҳаётдаги ғам-ташвишлардан, мактабдаги дарслардан толиққан пайтларида қалбидек гўзал шеърлар ёзади. Сатрларда ота-онага, қадрдон Нурота тоғларига, қишлоғидаги зилол сувли булоқларга, самимий ва содда қишлоқдошларига меҳр-муҳаббат жўшиб туради. МУАЛЛИМА уларни матбуотда чоп этишни хуш кўрмайди: «Булар менинг қалбимдаги фарзандлик меҳрим, туйғуларим, секин ва қайғуларимдир», дейди у.

Мактабда навбатдаги дарсга кўнғирок чалинди. МУАЛЛИМА кўксига синф журналини маҳкам босганча яна ўз ўқувчилари томон ошмоқда. Биз эса унинг суҳбатидан, секинча ташвишларидан элидаги обрў-этиборидан мамнун ҳолда мактаб ҳовлисига чиқдик. Ватанимизда шундай фидойи, ғайрат-шижоатли ўқитувчи ва мураббийлар борлигидан кўнғиллимиз таскин тоғди. Ахир, фарзандларимиз камоли, эртанги куни улар билан чамбарчас боғлиқ-да.

Ш.КАРИМОВ

ТУМАННИНГ ТЎНҒИЧ МАКТАБИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, асрий анъаналаримиз ва замонавийликни уйғунлаштирган, халқаро андозаларга мос ўқув-тарбия жараёни ташкил этилди. Бундай ислоҳот Оқдарё тумани Янгиқўрғон шаҳарчасидаги 2-умумтаълим мактабини ҳам четлаб ўтмади. Замонавий педагогик, методик ва дидактик талаблардан келиб чиқиб, таълим сифатини ошириш мақсадида самарали ўқитиш усуллари татбиқ этилди. Туманнинг тўнғич билим маскани ҳисобланган муассаса ўтган йиллар мобайнида ўнлаб профессорлар, фан докторларини вояга етказди, эл қорига, юрт тараққиётига камарбаста бўлиб келаётган инсонларни ҳаётга учирма қилди.



Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Техника воситалари, ахборот-ресурс маркази, иккита компьютер синфи ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёрида. Компьютерлар «ZiyoNET» ахборот таълим порталига улган бўлиб, масофавий ўқитиш имкониятларидан фойдаланилмоқда.

— Таълим-тарбияда талабимиз қатъий, — дейди мактаб директори Ёдгор Ҳамроев. — 9та фан услубий бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда. 7та спорт ва 17та фан тўғараги мунтазам ишлаб турибди. Уларга 500 нафарга яқин ўқувчи жалб этилган. Айниқса, мусиқа, фольклор, рақс, чет тили, ёш нотик, ёш адиб, ёш математик, тарих, гулчилик, миллий каштачилик, моҳир қўллар тўғарақларига ўқувчиларнинг қизиқиши катта.

2009—2010 ўқув йилида 15 нафар, 2010—2011 ўқув йилида 18 нафар ўқувчи фан олимпиадаси ва билимлар беллашувининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичида фаол иштирок этди. Шу йил фан олимпиадасининг вилоят босқичида 9-синф ўқувчиси Муслим Мухторов француз тили бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриктанловининг вилоят босқичида эса биология фани ўқитувчиси Ҳилола Турдиева иккинчи ўринга муносиб топилиди.

Айни пайтда мактаб жамоаси ўқув-тарбия муҳитини яхшилаш, ўқувчиларнинг билим ва қўнимасини шакллантириш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланишга интиломоқда.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири



Кузию кишини қўяверинг, жазирама ёзида ҳам тинимсиз шамол эсувчи бу қишлоқ унга қанчалар қадрдон эканлигини биласизми? Аслида, ҳар кимга ўз туйғилиб ўсган гўшаси азизу мукаррамдир. Тақдирдаги кейинги манзил-маконлар киндик қони тўқилган жойчаллик киши кўзига иссиқ кўринмайди. Инсонлар қалбидидаги ўз Ватанига муҳаббат туйғуси ҳам аслида шу бўлса керак.

Соҳиданинг қишлоғига, ота-онасига бўлган муҳаббати ҳам йилдан-йилга ортса ортадики, камаймайди. Тақдир уни, баҳори қир-адирларни яшнатиб гул-чакларга бурканувчи, киши қараб тўймайдиган Нурота тоғларининг салобатини тинимсиз эсиб турувчи шабадаларидан, жазирама ёзида шарқираб оқувчи булоқ сувларидан юзлаб километр узоқликдаги шаҳарга кўчириди.

У билим юртини битириб, ана шу сўлим тоғ бағридаги Жўш қишлоғида жойлашган 64-мактабда дарс бера бошлаганди. Сўнгра Низомий номида-

ри олдида бош эгмади. Турмушдаги жамики қийинчиликлар, ғам-ташвишларни эркакларга хос матонат билан енгиб ўтди. Унга ўзи кутмаган тарафдан бахт ва омад эшиклари очилди. Уни самимий бир жамоага аъзо бўлиш, ўқитувчилик шарафли касбини эъозлаш бахтига муяссар қилди.

МУАЛЛИМАнинг ҳар тонги беғуборлик, яхши кайфият билан бошланади. Чунки унинг касби беғубор, топаётган ризқи ҳалолдир. Меҳнати шарафли. Ҳа, мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларга ҳукуматимиз томонидан юксак этибор қаратилмоқда, чунки улар эртанги кунимиз бўлган фарзандларимизга илм беради, касб-хунар сирларини ўргатади.

МУАЛЛИМА мактабда ўқувчилар оғушида иш куни қандай ўтганини сезмайди. Синфда аълочи, қобилиятли, одобли ўқувчилар жуда кўп. Сир эмас тўполончи, шўх-шодон болалар, шаддод қизлар ҳам бор. Бироқ мактабда кўнғи-

йилларидаёқ Ўрта Осиёнинг кўп ҳудудларини, жумладан, Туркменистоннинг Махшад-Мессерион платосини, Тожикистоннинг Вахш водийсини ва Сирдарё бўйларини топография сўйма қилишда фаол қатнашди. Университетни

бўлиб номзодлик диссертациясини ёқлади.

Домла табиатининг касбий ва инсоний жиҳатлари, энг аввало, унинг кўп йиллик илмий-педагогик фаолиятида, ёзган китобларида ўз аксини тоғган. Хусусан, картография соҳасига

ВАТАН КЕНГЛИКЛАРИНИ ХАРИТАЛАРГА ЖОЙЛАБ...

географ-картограф ихтирослиги бўйича битириб, 1954—1958 йиллари Ўрта Осиё аэрогеодезия корхонасида муҳандис-картограф лавозимида ишлади. Шу йиллари Қозғистоннинг Бойқўнғир, Балхаш қўлининг ғарбий қисмини, Устпорт платоси, 1957 йили Сирдарёнинг ўрта қисмининг топографик карталарини яратишда бевоқиф иштирок этди. Қўнт билан ўқиш, изланиш ва олиб борилган изчил тадқиқотлар натижасида 1966 йили ўзбеклардан биринчи

оид 5 монография, 8 дарслик, 13 ўқув қўлланма, 200дан ортиқ илмий-услубий мақолалар ва 80дан ортиқ картографик асарлар унинг қаламига мансуб.

Мустақиллик йиллари олимнинг илмий фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда юзга яқин илмий ишлар, ўнлаб китоблар нашр қилинди. Чунончи, Турғунбой Мирзалиев бошчилигида мамлакатимизда илк маротаба ўзбек тилида «Ўзбекистон географик атласи» яратилди. Устоз 1997 йили «Ўзбекистон-

да социал-иқтисодий картографиянинг шаклланиши ва ривожланиш асослари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Олим 2008 йилдан ҳозирги кунгача университетнинг «Геодезия, картография ва кадастр» кафедрасининг профессори лавозимида самарали ишлаб келмоқда, муҳандис-картограф мутахассислар тайёрлашда фаоллик кўрсатаётир.

Профессор Турғунбой Мирзалиев шоғирдларининг кўпчилиги геодезия, картография ва кадастр соҳаларига оид ҳар хил ишлаб чиқариш ташкилотлари ва ўқув муассасаларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар. Домланинг бу соҳада қилган катта хизматлари эътиборга олиниб, 2001 йили «Меҳнат шўҳрати» ордени билан мукофотланган.

Жўрабой КОРАБОВЕВ,
Асомиддин
ЭГАМБЕРДИЕВ,
Эшқобил САФАРОВ



Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Турғунбой Мирзалиев картография — географик хариталар ва уларни тузиш ҳақидаги фанининг таниқли вақилидир. Жорий йилда олимнинг илмий-педагогик фаолиятига 55 йил тўлди.

Турғунбой Мирзалиев Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) география факультетида тахсил олган. У талабалик

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ

**уни санъат даражасига олиб чиқиш мураббий
махоратига боғлиқ**

лари, чиникиш ҳақида қўшимча маълумотлар ҳам бераман. Дарсларимни самарали ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Дарс — муқаддас» тавсиясидан фойдаланаман. Ушбу тавсия асосида режа тузиб, дарс сифати ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, дарс мобайнида ўқувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2013-2014 ўқув йили учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида қуйидаги муаллифлар ўртасида 6-, 7-синфлар учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ


2013-2014 ЎҚУВ йили УЧУН ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИЛАДИГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК КОМПЛЕКСЛАР РЎЙХАТИ			
т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллифлар
1	Ўзбек тили (рус ва қардош тиллarda)	6	Гулнора Муҳамеджонова, Абдурозик Рафиев, Маъпура Акрамова
			Хадича Мухитдинова, Яшнаербек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова
2	Ўзбек тили (рус ва қардош тиллarda)	7	Абдурозик Рафиев, Гулнора Муҳамеджонова, Маъпура Акрамова
			Хадича Мухитдинова, Яшнаербек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова
3	Меҳнат таълими (Ўзбек, рус ва қардош тиллarda)	7	Шавкат Шарипов, Кумри Абдуллаева, Одил Қўйсинов Исмоил Каримов, Хусан Раҳмонов, Феруза Қодирова, Миножат Махсимова

Танлов таклифлари 2013 йил 28 январь куни соат 15:00 да барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танловга кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

ЯНГИ ПАРРАКЛАР САМАРАЛИ

**JAHON
HALI-
FANI**

Yangiliklar,
kashfiyotlar
yutuqlar



НАХАНГ РАНГНИ ФАРКЛАМАЙДИ

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.


Бахриддин ИСМАТОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi

Азиз юрtdошлар!

Барчангизни Ўқитувчи ва
мураббийлар куни умумхалқ байрами
билан самимий муборакбод этамиз!



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarini hamkorlikka taklif etib, nozirlik va matbaa mahsulotlarining barcha turlarini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyoti;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albumlar, plakatlar, bukletlar, adres papkalari va boshqalar);
- qat'iy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chek va ruyxatga oluvchi kitoblari;
- o'quv anjomlari (umumiy daftarlar, kundaliklar, rasmlar daftarlari va boshqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli mollari;
- A4 va boshqa formatlardagi ofis-xujalik qog'ozlarini, kancelyariya kitoblari va boshqalarni shartnoma asosida, qisqa muddatlar, yuqori sifat darajasida, kelishilgan narxlar, tayyorlab berishini ma'lum qiladi.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81

Факс: (371) 244-38-10, 244-87-55.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Uchitel' Uzbekistana", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Uchitel' Uzbekistana"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEXS: 149, 150, F-918.

Tiraj 33473.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Yza ikumi — 22.40
Topshirildi — 22.45